Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 178 (8668).

1985 йил 17 сентябрь сешанба

Баҳоси 3 тийин.

БУЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

▲ ҲАР ГЕКТАРИДАН 36 центнердан пахта топширамиз. Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг ўртоқ Исмонл Иброҳимов бошлиқ бригадаси деҳқонларининг аҳди ана шундай. Бу ерда йиғим-терим кун сайин авж олдирилмоқда. Кўпмингкилограммчи теримчи Гулчеҳра Баратова ҳар куни хирмонга 130 килограммдан «оқ олтин» топшириб, мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

▲ БЕКОБОД районидаги «Ленинград» совхозининг ўртоқ И. Умаров бошлиқ бригадаси 165 тонналик хирмон учун курашмоқда. Шу бригаданинг моҳир теримчиси Назаргул Ҳабибова ҳар куни 150 килограммга етказиб пахта термоқда.

«ҲОСИЛ—85»

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕФОЛИАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

▲ ТОШКЕНТ области пахтакорлари республикада биринчи бўлиб 14 сентябрь куни ғўза дефолиациясини тугалладилар. Пландаги 105 минг 170 гектар ўрнига 106 минг 507 гектар майдондаги ғўзаларга дори сепилди.

Оққўрғон, Чиноз, Ғалаба, Бўка районларининг деҳқонлари дефолиацияни, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказдилар ва планларини ошириб бажардилар.

Шу кунларда область пахтакорлари машина теримини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

АКА-УКА МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲДИ

▲ ПИСКЕНТ. «Гулистон» колхози меҳнаткашлари етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилганлар. Ака-ука механизаторлар Абдурашид, Ҳасан, Ҳусан, Абдужамил Абдужаборовлар машиналарини биринчилардан бўлиб, мавсумга тахт қилдилар. Улар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, мавсум давомида 600 тонна пахта теришга сўз беришди.

▲ КОЛХОЗДА ташкил қилинган «Гулистон» ҳаваскорлик ансамбли пахтакорларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда. Ўтган куни ҳаваскорлар колхознинг Абдуғани Назарқулов бошлиқ бригадаси деҳқонларига концерт қўйиб бердилар.

ТАШАББУСКОРЛАР ДАЛАСИДА

▲ ЧИНОЗ. «Қизил Октябрь» колхози деҳқонлари областимизнинг қатор хўжаликлари сафига қўшилиб, пахта тайёрлаш йиллик планнини 27 иш кунида бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Ташаббускорлар ваъдага вафо қилиш учун ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш учун курашмоқдалар. Шу кечакундузда йиғим-теримда салкам 1000 киши қатнашмоқда. Кўпмингкилограммчилар мусобақаси авж олдирилган.

Колхознинг ўртоқ Йўлдош Эргашев бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган куни энг юқори кўрсаткичга эришдилар: йиллик планнинг 2,5 проценти миқдорида пахта топширдилар. И. Эгамбердиев, Х. Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам суръат кўтарилиб бормоқда.

Теримчилар ўртасидаги мусобақада Иқлим Жумабоева, Насиба Эрмонова сингари кўпмингкилограммчилар олдинда бормоқдалар. Улар ҳар куни 150 килограммга етказиб пахта териб топширмоқдалар.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

▲ БЎКА. Ўтган беш кунлик якун қилинганида колхознинг С. Мансуров, Н. Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригадалари энг юқори кўрсаткичга эришганликлари маълум бўлди. Бу бежиз эмас. Бригадаларда дастлабки кунларданоқ дала ишлари қатъий график асосида ташкил этилиб, ишчи кучлари тўла сафарбар қилинди. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам бу бригадалар суръатни кун сайин ошириб марра сари дадил бормоқдалар.

«Партия XX съезди» колхозида шу кунларда қўл теримида салкам 800 киши қатнашмоқда. Ўтган куни ҳар бир теримчининг унумдорлиги 71 килограммни ташкил этди.

ДАЛАДА САВДО

▲ ОҚҚЎРҒОН. Район матлубот жамияти пахтакорларга савдо хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйиш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Айни кунларда хўжаликларда 38 та сотувчисиз савдо қилувчи кўчма магазин ишлаб турибди. Магазинлар пахтакорларнинг кундалик турмуш эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмлар билан таъминланган.

Булардан ташқари 10 та автолавка белгиланган график асосида навбати билан колхоз ва совхозларда бўлиб турибди.

▲ БЎКА районидаги «Кремль» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Александровна Ковалева бошлиқ бригадаси далаларида ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Суратда: кўпмингкилограммчи теримчилар терган пахталарини хирмонга топширмоқдалар.

А. Зуфаров фотолари

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР ҒАЙРАТИ

▲ БЕКОБОД. Мавлонов номли совхоз далаларида ҳам иш қизғин. Бўлимлар, бригадалар, звенолар ўртасида ташкил этилган мусобақа яхши самаралар бераётир, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда. Ўтган куни бу хўжаликда 405 киши теримда иштирок этди. Ҳар бир кишининг ўртача терган пахтаси 81 килограммданга тўғри келди. Шу куни хирмонга 33 тоннадан ортиқ хомашё топширилди.

6-бўлимдан Каромат Турдибоева, Зайнаб Бобоқулова, Мавжуда Имомқулова, 4-бўлимдан Гулчеҳра Жўраева, Базнагул Қўшбоқовалар энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар хирмонга 230—250 килограммдан етказиб пахта топширдилар.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Областимиз районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	1,05	7,17
Янгийўл	0,86	4,96
Бекобод	0,71	4,18
Бўка	0,41	2,39
Оққўрғон	0,30	2,35
Пискент	0,29	1,86
Коммунистик	0,13	0,59
Ўрта Чирчиқ	0,15	0,55
Ғалаба	0,07	0,49
Область бўйича:	0,42	2,58

Областимиз районларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 16 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	10	164
Чиноз	14	125
Ғалаба	3	112
Коммунистик	7	106
Бўка	5	106
Ўрта Чирчиқ	5	102
Пискент	13	95
Янгийўл	9	88
Бекобод	8	86
Область бўйича:	8	109

▲ ЧИНОЗ районидаги «Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари, юқорида айтганимиздек етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун курашни тобора қизитмоқдалар.

Колхознинг Ҳабиба Жўраева бошчилик қилаётган бригадаси далаларида 58 гектар майдонда пахта етиштирилди. 40 центнерлик марра учун курашда яхши натижаларга эришаётган бригада миришкорлари хирмони юксалиб бораётир. Суратларда: (чапда) илғор колхозчи Ҳалима Умирова; теримчи Тўхтахон Ўрмонова, бригадир Ҳабиба Жўраева ва колхозчи Ҳабиба Ҳўжанова (чапдан ўнгга) ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

ТЕЖАМКОРЛИК — ЭКОНОМИКА РЕЗЕРВИ

МАШИНА ЕНГИЛРОҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

«Чирчиксельмаш» ишлаб чиқараётган культиваторларга кетадиган металл бир данига 14 килограмм камайди. Завод конструкторлик бюросининг мутахассислари таклиф этган янгиликни жорий этиш самараси шундай бўлди.

Чирчиқлик машинасозлар ясаётган ғўза культиваторлари универсал бўлиб, улар 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларида ишлай олади. Ариқнинг энига қараб улар созланади. Бунинг учун қишлоққа юборилувчи машиналар комплексига тегишли ускуналар, шу жумладан трактордан агрегатга энергия ўтказувчи иккита юритқи қўшиб берилади.

«Чирчиксельмаш» инженерлари ягона юритқини ишлаб чиқдилар. Уни ҳам Т-28, ҳам МТЗ-80 тракторларига ўрнатавериш мумкин. Ана шунда материал тежалди — эндиликда комплектда энергия ўтказувчи иккита юритқичи эмас, балки битта юритқи бор. Бу ишнинг самарасини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас — шу янгилик туфайли бир йилда икки юз тонна чамаси пўлат тежалди.

Тежамкорлик шу билан тугамайди. Машина енгил бўлгач, тракторнинг қувватидан тўлароқ фойдаланилмоқда, иккинчидан юритқини унификация қилиш туфайли қишлоқ механизаторларида илгари шу узелни алмаштиришга кетадиган уч киши — кунн тежалмоқда.

Шу йил Чирчиқ машинасозлари жами 800 тонна чамаси металлни тежаш ниятидадирлар. Бунча металл 500 тадан кўпроқ культиваторни ясашга етади. (ЎзТАГ).

МЎЛЖАЛДАГИДАН ОШДИ

БЎКА районидаги «Кўкорол» совхозининг Шомурод Бурхонов бошчилик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси аъзолари дон учун экилган маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўрим-йиғимга ҳам пухта тайёргарлик кўрган коллектив деҳқонлари бу тадбирни хўжаликда биринчи бўлиб якунлашди. 60 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 45 центнер ўрнига 53 центнердан «каҳрабо дон» йиғиштириб олинди. Давлат қабул пунктларига 320 тоннадан ортиқ дон топширилди.

Бригаданинг тажрибали механизатори Александр Чернецов ўзининг «Херсонец-200» маркали комбайнини моҳирлик билан бошқариб, барча майдондаги маккажўхорини ўзи ўриб-йиғди.

Совхоз бўйича бу йил 200 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирилди. Шу кунгача 180 гектар ердаги ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 50 центнерни ташкил этаётир.

О. ҲАМРОЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет ва комсомол органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, маданий қурилишда ва республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Раъно Ҳабибовна **Абдуллаевага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1985 йил 13 сентябрь.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

Кеча иқтисодий таълим системасида машғулотлар олиб борадиган пропагандистларнинг семинари бошланди. Область партия комитети сиёсий маориф уйи томонидан ташкил этилган бу семинарда коммунистик меҳнат, конкрет экономика мактаблари ҳамда иқтисодий семинарлар раҳбарларидан 600 нафардан кўпроқ киши шуғулланяпти. Улар ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсатининг актуал масалалари, саноатда хўжалик юритишнинг янги системаси, хўжалик ҳисоби ва қишлоқда коллектив пудрат принциплари тўғрисида турқум лекциялар тинглайдилар.

Семинарни Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев очди.

Пропагандистлар область партия комитети лекторлари, Тошкентдаги илмий-тадқиқот институтлари етакчи мутахассислари ва олимларининг докладлари ва лекцияларини тинглайдилар.

Семинар уч кун давом этади.

К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬСНИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

К. Маркс ва Ф. Энгельс танланган асарларининг иккинчи томи босилиб чиқди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти нашр этаётган бу тўққиз томлик илмий коммунизм асосчиларининг энг муҳим асарларини ўз ичига олади.

Китобга К. Марксниг «Фейербах тўғрисида тезислар» ва К. Маркс билан Ф. Энгельс назарий фаолиятида муҳим босқични белгилаган «Немис идеологияси» асарлари киритилган.

(ТАСС).

Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессияси

СОВЕТ ПАРТИЯ ГРУППАСИ МАЖЛИСИ

14 сентябрь куни ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия бошланиши олдидан Совет партия группасининг мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов** олиб борди.

Коммунист — депутат **Б. Д. Эргашев**нинг область Совети савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссияси аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори асосида савдо хизмати устидан назоратни янада кучайтиришга сафарбар этиш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Партия группасининг навбатдаги мажлисида коммунист-депутат В. В. Березовскийнинг доимий комиссияга раҳбарлик қилиш ҳамда унинг аъзолари куч-ғайратини область аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ишига сафарбар этиш ҳақидаги ҳисоботини тинглаш белгилаб қўйилди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

СЕССИЯДА область ижроия комитети раиси **А. Б. Саидҳўжаев** «Область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажариш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олишга қаратилган ташкилотчилик ишларини кучайтириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Бутун мамлакатда, республикада бўлганидек, бизнинг Тошкент областимизда ҳам партия ҳамда бутун совет халқи ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлган КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишлари қизғин авж олдириб юборилди, деди докладчи.

Тошкент область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва июль Пленумлари, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси талабларига амал қилган ҳолда область партия комитетининг раҳбарлигида жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, экономикани интенсивлаш резервларини тўла ишга солишдаги ўз ролини кучайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозирги вазифа шундан иборатки, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик программасини сўзсиз бажаришга эришиш лозим. Шу муносабат билан ушбу сессияда ишнинг аҳволини кўриб чиқиш ва давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини гарантиялайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бу тадбирлар навбатдаги беш йилликнинг янги вазифалари муваффақиятли бажарилиши учун дастлабки пухта замин бўлиб хизмат қилиши керак.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва кейинги пленумлари талаблари асосида ўз ишимизга танқидий баҳо бериб, эътироф этишимиз керакки, ишимизда ҳали камчилик ва нуқсонлар кўп, мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳамон суст фойдаланяпти. Саноатда уч шаҳар, 12 район, 85 корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича 4 йилу 8 ойлик планларнинг бажарилишини таъминлай олмади. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги область бўйича фақат 3,9 процент ўсди. Бу ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган топшириқдагидан камдир.

Докладчи юз берган аҳволнинг сабабларини таҳлил қилди. Ана шу сабаблардан бири иш вақтининг йўқотилишидир. Янги техника ва технологияни жорий этиш халқ хўжалигини интенсивлашнинг бош омили ҳисобланади. Областда мана шу потенциалдан ҳали яхши фойдаланилмаяпти.

Ҳаёт ишни планлаштириш масаласига талабни тобора қатъий қилиб қўймоқда. Чунки, планлаштириш — бошқаришнинг асосини ташкил этади. У ишлаб чиқаришни интенсивлаш, муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган қарорларни амалга ошириш, экономиканинг бир маромда тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим. Бироқ, планлаштирувчи органлар, хўжалик раҳбарлари истиқболни ўйлаб иш тутишда сусткашликка йўл қўймоқдалар, пировард мақсадларни аниқ кўра билмайдилар. Шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари эса планлаштириш масалаларини қатъий назорат остига олмайдилар. Бунда область ижроия комитетининг шу соҳага тааллуқли хизматлари, область план комиссиясининг ҳам айби бор, албатта. Бу ишда тезроқ қатъий тартиб ўрнатиш, партия кўрсатмаларини бажармаётганларга нисбатан талабни кучайтириш керак бўлади.

Ўртоқ Саидҳўжаев саноатда ўтказилаётган иқтисодий эксперимент натижалари атрофлича характерлаб берилди. Бу соҳада маълум силжишларга эришилди. Бир қатор муҳим объектлар ишга туширилди. Шунга қарамай, камчиликлар ва фойдаланилмай қолаётган резервлар ҳали жуда кўп. Белгиланган ишларни тўла амалга ошириш учун, деди ўртоқ Саидҳўжаев, ҳар бир район, ҳар бир қурилиш бўлинмаси бўйича йилни ва беш йиллиқни муваффақиятли якунлаш программаси аниқ белгилаб олинган бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда).

КЎРГАЗМАДА—1986 ЙИЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тошкент районидаги «Гулноз» савдо марказида савдо кўргазмаси ниҳоясига етди. Кўргазмадан В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида тайёрланган ва 1986 йилда кўплаб ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган 22 турдаги сирланган идишлар ўрни олган эди. Бу ерга ташриф буюрган харидорлар хўжалик-рўзғор буюмларини харид қилиш билан бирга уларнинг нархи, безаклари ва сифати билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини махсус анкетага ёзиб қолдирдилар.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси ва область матлубот жамиятлари союзи ходимлари харидорлар талаб-эҳтиёжларини умумлаштириб, заводга келгуси йиллар учун буюртмалар берадилар.

ШИЙПОНДА МУШОИРА

Ўрта Чирчиқ районининг Карл Маркс номли колхози 6-бригадаси дала шийпонида ижодкорларнинг пахтакорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Сайёр, Тўлқин, Муҳаммад Раҳмон, Темир Убайдулла ва бошқалар пахтакорлар меҳнатини шарафловчи шеърларидан ўқиб бердилар. Мушоирада райондаги Гастелло номли 42-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этдилар. Наримонов шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари эса ўзларининг куй-қўшиқлари билан пахтакорларни мамнун этишди.

ИШЧИЛАР САФИГА

«Ғунча» тикувчилик фабрикасида ишчилар сафига қабул қилиш кечаси бўлиб ўтди. Унда Чирчиқдаги 7-ихтисослашган ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан 50 нафар қиз фабрика чеварлари сафига қабул қилинди. Илғор тикувчи В. Абляева, мастер Л. Маяцкая ва бошқалар ёшларга фабриканинг тарихи, унинг илғор кишилари ҳақида гапириб беришди.

Фабрика коллективи сафига қўшилган тикувчиларга гувоҳномалар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

«ОЛТИН КАЛИТЧА» БАҒРИДА

Нурободда 320 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Мактабгача ёшдаги бу болалар муассасасига «Олтин калитча» номи берилди. Боғчада, таълим-тарбия ишларини комплекс олиб бориш учун барча шароитлар муҳайё этилган. У шаҳардаги иккинчи шундай муассасадир.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Бундай программани амалга ошириш устидан кундалик назорат ўрнатиш ва бу ишда амалий ёрдам кўрсатиш маҳаллий Советларнинг ҳамда улар ижроия комитетларининг муҳим бурчидир.

Кейинги вақтларда юк ташиш, автомобиль транспорти иши яхшиланди, темирйўлчилар ҳам муайян силжишларга эришдилар. Шу билан бирга бу соҳаларда ҳам камчилик ва нуқсонлар ҳали жуда кўп. Айниқса, пассажирлар ташиш соҳасидаги ташкилий ишларга эътиборлар ҳамон жиддий бўлиб турибди. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари тегишли хулосалар чиқариб олиб, транспорт воситаларидан самарали фойдаланишни қатъий назорат остига олишлари, халқ хўжалиги юклари ва пассажирларни ташишни аниқ уюштиришни доимий ва қатъий талаб қилишлари, топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак.

Беш йилликнинг тўрт йили давомида область пахта ва бошқа асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планларини ортиғи билан бажарди. Бу йил ҳам «оқ олтин»дан давлат тайёрлов планини муваффақиятли бажариш имконини берадиган даражада мўл ҳосил тўпланди. 1985 йилда пахтакорларимиз олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши уюшқоқликка, барча мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларининг тўла сафарбар этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Хўжаликларнинг раҳбарлари колхозчиларнинг ҳамда совхоз ишчиларининг меҳнатини тўғри ташкил этиб, уларнинг юксак унум билан ишлашларини таъминлаш ҳисобига планларнинг бажарилишига эришишлари зарур. Ҳамма ерда теримчиларнинг унумли ишлаб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитларни тўла яратиб беришлари керак. Ана шунда механизаторлар ишида ҳам унум бўлади ва техника воситаларидан самарали фойдаланилиб, бу йил етиштирилган жами ҳосилнинг камида 300 минг тоннаси машиналарда йиғиб-териб олинади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаблари асосида область саноат марказларини ва биринчи галда Тошкент шаҳрини сархил сабзавот-мева маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш керак бўлади. Калинин, Оржоникидзе ва Тошкент районлари ижроия комитетлари, мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Сортсемовош» бирлашмаси Тошкент районидаги К. Маркс номли колхознинг шу соҳадаги илғор тажрибасини кенг оммалаштириш билан жиддий шуғулланишлари зарур. «Дала — магазин» системасига амал қилган ҳолда пештахталарга сабзавот ва меваларни узлуксиз етказиб бериш лозим.

Чорвачилик соҳасида катта ишларни амалга ошириш керак бўлади. Энг муҳими — қишловга тайёргарлик кўришда ташкилотчилик ишлари савияснии ошириш, асосий эътиборни мўл ва сифатли озуқа жамғаришга қаратиш зарур. Чорвачиликда коллектив пудратини қатъийлик билан жорий этиш талаб қилинади. Маҳаллий Советлар бу ишни ўз назоратлари остига олиб, чорвачиликни интенсивлашга, илмий-техника тараққиётидан самарали фойдаланишга эътиборни кучайтиришлари керак.

Докладда аҳолига савдо, маиший ва турар-жой-коммунал хизматини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, область соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими системалари олдида турган вазифалар ҳам кенг характерлаб берилди. Маданий-маърифий муассасалар, физкультура ташкилотлари, социал таъминот органларининг фаолиятлари КПСС Марказий Комитетининг кейинги қарорлари асосида шарҳланди.

Партия кенг кўламдаги масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари Советлари ролини ошириб бориб, шу билан совет органларига катта ишонч билдирмоқда, деди пировардида ўртоқ Саидхўжаев. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонуннинг қатъий бажарилишига эришиш лозим. Ҳар бир киши ўз ўрнида тўла куч ва виждон билан ишлаши керак. 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш учун бутун куч-ғайратни, билим ва тажрибаларни тўла ишга солиш лозим.

Танаффус пайтида депутатлар фойеда ташкил этилган халқ истеъмоли моллари кўргазмаси билан танишдилар.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **А. Ф. Клепиков** «Партия ва ҳукуматнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш бўйича қарорларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида» доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил июль Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси бизни шу нарсага даъват этмоқдаки, халқ депутатлари Советлари ҳар бир саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўла куч билан киришсинлар, деди докладчи.

Область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари область партия ташкилоти раҳбарлигида саноат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг халқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятига контроллик қилиш ва ташкилотчилик ишларини кучайтиришга эришмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига яна 60 корхона жалб этилиб, уларнинг умумий сони 172 тага етказилди. Планга қўшимча 105 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш суръатини ўстириш тўрт йиллик топшириғи 8 процент ортиғи билан бажарилди. Иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмн ҳисобига 1 сўм 29 тийинлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бироқ, халқ учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамма корхоналар ҳам ўз ҳиссасини қўшяпти, деб бўлмайди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Наримонов, Чирчиқ шаҳарларида. Бўстонлиқ, Ғалаба, Коммунистик, Янгийўл районларида бу соҳадаги топшириқлар қониқарсиз бажариляпти. Ўзбекистон металлургия заводининг сирланган идишлари, Янгийўл ва Чирчиқ пойабзал фабрикалари, Янгийўл мебель комбинати маҳсулотларига савдо ташкилотларидан жуда кўплаб рекламациялар келяпти. Бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди.

Маҳаллий саноатнинг аҳолини кундалик рўзғорбоп буюмлар билан таъминлаш соҳасидаги ролини оширишда ҳам кўп ишлар қилинди. Бироқ, умумий аҳвол яхши бўлгани ҳолда айрим жиддий нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Савдода чит, керосинчироқ лампалари, рўзғор пичоқлари, томорқага сув сепадиган мосламалар кўпинча бўлмайди. Умуман бундай маҳсулотларнинг турлари кўпайтирилмаяпти.

Область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, корхоналарнинг раҳбарлари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларида ташаббускор ва уддабурон бўлишлари керак. Ихтисослашган цехлар, участкалар ташкил этишлари, ёрдамчи корхона ва косипчиликни ривожлантиришлари, шунингдек, инвалидларни, уй бекаларини, ва қишлоқ аҳолисини мавсум оралиғи даврида касаначиликка жалб этишлари керак.

Халқ депутатлари Советлари ҳамма корхоналарни халқ учун маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириши, малакали кадрлар тайёрлашда, ишлаётганлар учун қулай меҳнат ва маданий-маиший шароит яратишда уларга ёрдам беришлари керак. Бу — партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI—XIX пленумлари кўрсатмалари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, аҳолини шу маҳсулотларга бўлган талабини янада тўлароқ қондиришда областнинг ишлаб чиқариш коллективларига катта ёрдам беради.

Шундан сўнг докладларни муҳокама қилишга киришилди. Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. С. Раззоқов**, Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси **С. Сиддиқова**, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Хатамов**, Бекобод темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-автоколоннаси ҳайдовчиси **Д. М. Мирзаахмедов**, Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси **А. К. Қосимов**, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози правлениесининг раиси **Х. Қуронбоев**, Чирчиқ трансформатор заводининг директори **Р. К. Саримсоқов**, «Узбекхиммаш» заводи халқ истеъмоли моллари цехнинг ишчиси **Т. П. Чернишова**, Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси **Р. Қаршибоева**, область маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи **С. Ш. Муталов** ўртоқлар муҳокамада сўзга чиқдилар.

Сессияда ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг биринчи ва иккинчи сессияларида докладчилар ва сўзга чиққан депутатлар билдирган танқидий фикрлар, таклифлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. **В. И. Колибердин** халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Сессияда **Р. Р. Саитбоев** область ички ишлар бошқармаси бошлиғи, **С. И. Азимов** аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, **М. Ф. Бекнозова** область соғлиқни сақлаш бўлими мудири ва **М. М. Қурбонов** халқ маорифи бўлими мудири қилиб тасдиқландилар.

МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИЛСИН

Меҳнаткашларнинг дам олиш соатларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, кишиларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаяпти. КПСС Марказий Комитетининг клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан янада яхшироқ фойдаланиш тадбирлари тўғрисида қабул қилган қарорида бу соҳада касаба союзлари бажариши лозим бўлган ишлар алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Область касаба союзлари Советининг яқинда бўлиб ўтган пленумида клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди ва КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Бу ҳақда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов доклад қилди.

Бугунги кунда областимизда 149 та клуб, 187 та кутубхона, 26 та стадион, 146 та спорт зали, 15 та сузиш ҳавзаси, 35 та отиш тири ва минглаб спорт майдончалари ишлаб турибди. Ўтказилаётган кўрик-конкурслар бу муассасалар ишини янада яхшилашга, тўпланган тажрибаларни оммалаштиришга ёрдам бераяпти. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, У. Юсупов номидаги агросаноат бирлашмаси, Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданий-оқартув ва спорт муассасалари кўрикларда яхши баҳо олдилар.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар клуб муассасалари ва спорт иншоотлари ишини яхшилашда эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларга қаратдилар, Олмалиқ химия заводининг маданият уйи ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлади. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати спорт иншоотлари ремонтталабдир. Тошкент политехника институти ўз спорт иншоотига эга эмас. Тошкент Давлат университетининг спортсоғломлаштириш лагери эса тўрт йилдан бери битмайди.

Пленумда илғор муассасалар тажрибасини кенг ёйиш зарурлиги уқтирилди. Шу ўринда Олмалиқ конметаллургия комбинати маданият саройида олиб борилаётган ишларни эслатиб ўтиш жоиздир. Область касаба союзлари Совети қарори билан маданият саройи биринчи категорияга ўтказилган эди. Бу ерда 4 та халқ университети, 3 та лекторий, 4 та кинолекторий, қўплаб бадиий ҳаваскорлик коллективлари қизғин фаолият кўрсатаяпти. Уларга малакали ходимлар раҳбарлик қилмоқдалар. Ходимларнинг 90 процента олий маълумотга эгадир. Яна бир группа ходимлар маданият институти ва ВЦСПСнинг олий касаба союз маданият мактабида ўқимоқда.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Сўзга чиққан маданият саройи директори В. Н. Наймушина КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида ўз коллективида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталди. Қарор асосида маданият саройининг иш графиги қайта кўриб чиқилди. Шанба, якшанба ва байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар кўпайтирилди. Уларда барча ишчилар ўз оила аъзолари билан иштирок этмоқдалар. Жумладан, 21 июлда Металлургларг қунига бағишлаб ўтказилган тадбирларда 15 мингга яқин ишчи ва хизматчи қатнашди.

Пленумда маданият ходимлари малакасини ошириш, қардош республикаларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Болтиқбўйи республикаларида рақс ва хор санъати, Ставрополь ўлкаси ва Пермда театр ҳаваскорлиги, Зарафшон водийсида дискотекалар ривож топган. Шу жойларда бўлиб дўстлар тажрибасини ўрганиш керак.

— Бўш вақтни тўғри ташкил этиш ва бундан самарали фойдаланиш шу куннинг муҳим масалаларидан биридир, — деди Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати аппаратчиси У. Толипова.— Дам олиш соатлари қанчалик мазмунли ўтса бажараётган ишимиз ҳам шунчалик баракали бўлишини тажриба кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда металлургларг маданият саройи йирик идеология ишлари марказига айланган. Сменадан кейин бу ерда қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Сарой ҳузурида 25 та тўгарак бор. Уларга 740 киши бирлашган. «Русская мелодия», «ВИА, «Кристалл», «Сплав» халқ ансамбллари, «Наврўз» ўзбек ашула ва рақс ансамбли шуҳрат қозонмоқда. Маданият саройида «Бичиш-тикиш», тўқиш курслари очилган, ритмик гимнастика группаси ишлаб турибди.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар ўз коллективларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириш билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина муаммоларни ҳам ўртага қўйдилар. Тошкент автомобиль йўллари институти спорт базасида кўпгина етишмовчиликлар бор. Кейинги йилларда институт анча кенгайди, лекин лойиҳачилар зарур спорт иншоотлари қурилишини эътибордан четда қолдиришди. Маданият ва спорт жиҳозлари сотиб олишда ҳам қийинчиликлар туғилмоқда. Бу соҳада область касаба союзлари Совети амалий ёрдам кўрсатиши керак.

Пленумда Тошкент область касаба союзлари II пленумидан сўнг область касаба союзлари Совети президиуми бажарган ишлар юзасидан ахборот тингланди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарорлар, 1985—1990 йилларда клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни янада яхшилаш бўйича тадбирлар қабул қилди.

Пленумда область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида ВЦСПС масъул ходими А. С. Корчагина ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг секретари О. К. Адаманов иштирок этдилар.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ 1986 ЙИЛДА

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Правда» газетаси КПСС Марказий Комитетининг органидир. Унга доҳийимиз В. И. Ленин 1912 йил 5 майда асос солган ва ўзи газетанинг биринчи муҳаррири ва публицисти бўлган эди. Доҳийнинг мингдан ортиқ асарлари шу газета саҳифаларида эълон қилинган.

Газетанинг 1986 йилги сонларида қандай материаллар эълон қилинади? Сизга маълумки, 1986 йил совет халқи ҳаётида унутилмас из қолдиради. 25 февралда партиямизнинг XXVII съезди ўз ишини бошлайди. У муҳим ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилади.

Съезд янги таҳрирдаги КПСС Программасини қабул қилади. Газета тайёрлайдиган назарий мақолалар ва сиёсий суҳбатларда Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва йўналтирувчи кучи, ҳозирги даврда у олиб бораётган иқтисодий ва социал сиёсат, социалистик демократиянинг янада ривожланиши ва бошқа актуал проблемалар ҳақида гап боради.

Партия 80-йилларнинг охирларигача мамлакат халқ хўжалиги самарадорлигини оширишда туб ўзгаришлар ясаш, барча тармоқларни интенсив ривожлантириш вазифаларини қўймоқда. «Правда» газетаси шу кўрсатмалар асосида кенг миқёсдаги иқтисодий эксперименталларнинг халқ хўжалигига келтираётган фойдаси ҳақида, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ масалаларни кенг ёритиб боради.

Редакцияга келаётган хатларда партия қурилиши, партия ташкилотларининг иш тажрибасини кенг ёйиш тавсия этилмоқда. Шу таклифлар асосида редакция бундан буён ҳам коммунистлар, бошланғич партия ташкилотларининг авангардлик ролини янада ошириш билан боғлиқ актуал проблемаларни турли формаларда ёритиб боради. Илғари бўлганидек, келаси йилда ҳам газета материаллари орасида хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги, партия раҳбарлигининг услуб ва методлари, кадрлар билан ишлаш масаласи, интизом ва талабчанликни ошириш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, бутун идеология ишлари таъсирчанлигини оширишга онд мақолалар катта ўрин эгаллайди.

Редакцияга келаётган кўпгина хатларда маориф ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, фан ва маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ишларини кузатиб бориш, ахлоқ темасини кенгайтириш, бюрократизм, социалистик мулкни талонтарож қилиш ҳолларига қарши кескин кураш олиб бориш лозимлиги уқтирилади. Бу таклифларни редакция келаси йилда албатта ҳисобга олади.

Ҳар куни газетанинг қариб икки саҳифаси халқаро ҳаёт масалаларига бағишланади. Газета келаси йилда ҳам КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб қилади, бу сиёсатнинг жаҳон жамоатчилиги фикрини шакллантиришдаги ролини очиб беради. Редакция социалистик мамлакатлар тажрибаси, халқаро коммунистик ва ишчилар, миллий озодлик ҳаракатининг ривожланишини, кенг ёритади, империалистик сиёсат ва бу идеологиянинг қабиҳлигини фош этиб боради. Ахборотларнинг ўз вақтида эълон қилинишига, қарши пропагандани кучайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Газетанинг бирор сони ҳам газетхонлар хатисиз чиқмайди. Ўтиб бораётган йилда редакция газетхонлардан ярим миллионта хат олди. Уларнинг неча минги газета саҳифаларида эълон қилинди. Хатларда тавсия қилинган муҳим мавзулар бўйича кўплаб мақолалар тайёрланди, танқидий фикрлар тегишли ташкилотларга етказилди. Келаси йилда ҳам газетхонлар почтаси билан алоҳида иш олиб борилади. «Газетхонлар хати», «Газетхонлар билан ёзишма» деган умумий сарлавҳалар остида махсус саҳифалар чиқарилади.

ПОЙТАХТИМИЗ ҚУРИЛИШЛАРИДА

МАССИВДА ТЎРТИНЧИ

ТОШКЕНТ мотор заводи корпуслари бирин-кетин қад ростламоқда. Унга қарамақарши томонда эса шу завод ишчи-хизматчилари учун турар-жой массиви қурилмоқда. Бу ерда 4 қаватли уйлар қаторида учта 9 қаватли уй бунёд этилган. Ҳозир 162 квартирали тўртинчи тўққиз қаватли уй қурилиши жадал суръатлар билан кўкка бўй чўзмоқда.

Бу қурилишда «Главташкентстрой» трести 2-уйсозлик комбинати 4-монтаж бошқармасининг Николай Мильников бошлиқ бригадаси азаматлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар бу уй монтажида ҳозиргача 400 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Коллектив ойлик топшириқларни 120 процентдан адо этиб, графикдан ўзиб ишламоқда.

Бинокорлар бу муҳташам кўп квартирали уйни партиямизнинг XXVII съезди арафасида фойдаланишга топшириш ҳақидаги ваъдаларининг устидан чиқиш учун қурилиш суръатини кун сайин жадаллаштирмоқдалар.

А. ҒУЛОМОВ.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА 120 МИНГ СЎМ

Коллективимиз партия XXVII съезди шарафига бошланган мусобақада актив иштирок этиб, ойма-ой топшириқларни шараф билан бажариб келяпти. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиб берилаётганлиги учун ҳам ишга барака кирмоқда.

Завод касаба союз комитети ташаббуси билан бош корпусдаги цехларнинг вентиляция системаси реконструкция қилинмоқда, ишлаб чиқариш қуввати паст бўлган айрим цехлардаги эски ускуналар янгилари билан алмаштирилмоқда, ишчилар учун қулай жойдаги графикдан ўзиб ишламоқда.

Ишчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам корхона касаба союз ташкилотининг диққат марказида турибди. Ҳозиргача профилакторийимизда ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1250 киши даволанди. Цехларда ишлаётган ишчилар учун ҳар куни 300 литр сут берилаяпти. Учинчи сменада ишлаётганлар учун бепул иссиқ таомлар ташкил қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ишчилар истиқомат қилаётган квартираларни қишга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Эскирган ситиш қувурлари янгилари билан алмаштириляпти. Бундай тадбирлардан коллектив мамнун бўлаяпти.

Ш. РАҲМОНОВ,
Тўйтепа металл конструкциялари заводи аппаратчиси.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

СИМЛАРНИ ПОРТЛАШ... УЛАЙДИ

Чўнтакка сиғадиган ва озгина портловчи моддаси бўлган оташланувчи енгил шнур электр линияларини тортишда қўпол пресс ўрнида бемалол ишлайверади. Янгилик авторлари — «Главсредазирсовхозстрой»нинг «Оргтехстрой» институти ҳамда «Средазспецстрой» трести мутахассислари шуни исбот этдилар.

Монтажчилар электр линияларини қураётиб, бугунги кунгача сим бўлакларини алюминий втулка воситасида бириктириб келишарди. Втулка пресс ёрдами билан қисиларди. Пресс оғир ва қўпол бўлишига қарамай, ҳамиша монтажчи ёнида туриши керак эди. Симларни улаш жойидаги микропортлаш одамлар учун мутлақо хавфсиз бўлиб, энергетикларни ортиқча ташвишлардан қутқаради. У симларни пухта пайвандлайди ва уларга бўронлар ҳам, қишда ёпишадиган қор ҳам писанд эмас. Иш унуми эса уч баравардан зиёд кўпаяди.

Янгилик мамлакатнинг турли иқлимий зоналарида синовлардан муваффақиятли ўтди.

(ЎзТАГ мухбири).

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ МЎЛ БЎЛСИН

ОБЛАСТИМИЗДАГИ 100 га яқин саноат корхоналарида асосий маҳсулотлар билан бирга аҳоли эҳтиёжи ортиб бораётган кенг истеъмол буюмлари ҳам тайёрланмоқда. Уларнинг кўпчилиги замонавий, пишиқ, аҳоли дидига мослиги билан ажралиб туради. Жумладан, Бекобод металлургия заводида ишлаб чиқарилаётган сирланган идишлар, Ангрен керамика заводида ишлаб чиқарилаётган сопол идишлар ва кошинкор плиталар, Оҳангарондаги қурилиш пластмассаси комбинатида тайёрланаётган турли биноқорлик материаллари, «Сантехлит» заводининг санитария-техника анжомлари шулар жумласидандир.

Ўтган шанба куни область сиёсий маориф уйи фойесида ташкил этилган кўргазмада ана шундай кенг истеъмол буюмлари намойиш этилди. Кўргазмада аҳоли севиб, харид қилаётган кенг истеъмол буюмлари билан бир қаторда сифатсиз маҳсулотлар ҳам ўрин олди. Бундан ташқари талаб тобора ортиб бораётган баъзи буюмлар, жумладан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида ишлаб чиқариладиган никелли чойнаклар, консерва қопқоқлари кам тайёрланаётганлиги кўргазма диаграммаларида қайд этилди.

✦

Суратларда: кўргазма залларида.

А. Зуфаров фотолари.

БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

ТЎҚИМАЧИЛИК саноатида Мария ва Евдокия Виноградовалар кўрсатган меҳнат жасорати ҳамон тилларда. Ўша кезларда биринчи беш йилликлар қаҳрамонлари ўз қарамоғларидаги 216 га дастгоҳга хизмат кўрсатишга улгуриш учун энг рационал маршрутни топа олган эдилар. Эндиликда, 50 йил ўтгач, тўқимачилик техникаси кескин даражада ўзгарди. Суст ишлайдиган станоклар ўрнини тезкор қурилмалар эгаллади. Биргина «АТПР-100» қурилмаси бир соатда 6 метрдан кўпроқ газлама тайёрлаётганлиги фикримизнинг далилидир. Лекин кўп станокчилар ҳамон ишлаб чиқаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Донгдор ишчи Каромат Ёқуббоева нормадаги 18 ўрнига 48 та дастгоҳда хизмат кўрсатяпти. 80-йилларнинг стахановчиларидан ҳисобланган бу ишлаб чиқариш илғори кунлик нормани деярли 3 ҳисса ортиғи билан адо этаяпти.

Айни кунларда бундай илғорларни комбинатда кўплаб учратиш мумкин. Мастер ёрдамчилари С. Пўлатов, М. Попрацкий, М. Қорабоев, К. Абдураимов, тўқувчи Е. Губина, М. Чекмазова, йигирувчи В. Эргашева, Ш. Тошматовалар шулар жумласидандир Шоира Тошматова юбилей йилида Виноградовалар номидаги мукофот лауреати бўлганлиги айниқса қувончлидир.

А. ГЕХТЛЯР.

КЛУБЛАРГА ОҚШОМ ЧЎККАЧ

«Оққўрғон» совхози ишчилар комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни янада яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор муҳокама қилинди. Муҳокама давомида клуб муассасаларининг илғор ходимлари номи алоҳида тилга олиб ўтилди. Айниқса, автоклуб раҳбари ва киномеханик Бекир Демиржи бажараётган ишларга юқори баҳо берилди.

Бекир Демиржи ишчиларга кино хизмати кўрсатиш бўйича белгиланган топшириқларни ойма-ой ортиғи билан адо этиб келмоқда. У бўлим клубларига оқшом чўкиши билан янги фильмлар намойиш қилишга киришади. Беш йиллик мобайнида план бўйича 20 минг сўмлик кино хизмати кўрсатиш унга топширилган эди. Моҳир киномеханик шу кунгача ҳамқишлоқларига 21 минг сўмлик кино хизмати кўрсатди.

— Кино хизматини такомиллаштиришда Б. Демиржи тўплаган тажрибаларни бошқа киномеханиклар ўртасида ҳам кенг оммалаштирмоқдамиз, — дейди совхоз ишчилар комитети раиси Н. Турғунбоев. — Одамларни кинога жалб этиш аввало репертуар мазмунига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам киноқурилма коллективлари томошабинлар севадиган бадиий, илмий-оммабоп фильмлар танлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бундай фильмлар олдиндан ишчиларга маълум қилиняпти. Томошага келган кишилар учун клублар фойесида савдо хизматлари ҳам уюштириляпти.

Ҳозирги кунда киноқурилма коллективлари КПСС нинг навбатдаги съезди олдидан партия, совет халқи босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилувчи, кишиларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбияловчи фильмларни кенг намойиш қилмоқдалар.

А. МУСТАФОЕВ,
Оққўрғон районн.

МАШИНАЛАРГА ТАЯНИБ

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ «ПОБЕДА» КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИ БУ ЙИЛ ҲАМ ҲОСИЛНИ ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН ТЕРИБ ОЛИШГА АҲД ҚИЛДИЛАР

1984 ЙИЛНИНГ ўрталари эди. Колхознинг ярим йиллик ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан тажрибали пахтакор, бригада бошлиғи Қурбон Иброҳимов пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида жон куйдириб гапирди.

— Мен ўз бригадамиз мисолида ҳисоблаб чиқдим, — деди у. — Ҳосилимиз ҳашарчиларни бемавруд жалб этиш ҳисобига кўплаб нобуд бўлмоқда, таннархи қимматлашиб кетаяпти. Ваҳоланки, ҳар бир бригадада ишчи кучи, техника етарли. Агар булардан самарали фойдалансак пахтани бемалол ўз кучимиз билан териб оламиз.

Йиғилишда сўзга чиққан Муса Мамашукуров, Бегмон Назарқулов сингари бригада бошлиқлари ва бошқалар ҳам Қурбон Иброҳимовнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Мажлисда йиғим-теримни ҳашарчиларсиз ўтказишга қарор қилинди.

Бутун ҳаракат белгиланган бу тадбирни муваффақиятли амалга оширишга қаратилди. Йиғим-терим мавсумида четдан ҳашарчи чақирилмади. Колхоз аъзолари бу ишга тўла сафарбар этилди. Мавжуд машиналардан унумли фойдаланилди. Натижада колхоз районда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 5000 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди.

— 1985 йилда ҳам хўжалигимиз пахтакорлари ҳосилни тўла ўз кучлари билан териб олишга аҳд қилишди,— дейди колхоз раиси Бахтиёр Ўтамов.— Бу бизга катта иқтисодий самара келтирмоқда. Бир центнер пахтанинг таннархи 1984 йилда 1983 йилга нисбатан 5 сўм 71 тийинга арзонлашганлигиёқ буни кўрсатиб турибди. Колхозчиларимиз ҳам меҳнат ҳақининг ҳар сўмига 1983 йилда 30 тийиндан пул олишган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 сўм 36 тийинга тўғри келди. Умуман, колхозимиз бўйича пахтани ҳашарчиларсиз териб олиш ҳисобига 304 минг сўм иқтисодий самара олинди.

Албатта, пахтани ҳашарчиларсиз териб олиш учун аввало мустаҳкам замин яратилиши керак. Победаликлар буни тўғри ҳисобга олиб иш олиб боришмоқда. Биринчи галда терим агрегатларини мавсумга пухта шайлашга асосий эътибор қаратилди. Уларни ремонт қилиш билан ҳар бир машинани бошқарадиган механизаторнинг ўзи шуғулланди. Шубҳасиз, улар ўз агрегатларини энг қизғин паллада ҳам тўхтовсиз ишлатиш учун курашадилар. Умуман бу йил 30 та терим агрегати ёрдамида 3000 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олинади.

Хўжаликда машина теримини яхши ташкил этиш билан биргаликда ишчи кучларини ҳам теримга тўла сафарбар этиш учун конкрет чора-тадбирлар белгиланган. Мавжуд 15 та пахтачилик бригадасининг ҳар бирида кўпмингкилограммчилар мусобақаси авж олдирилади. 2000 дан ортиқ киши теримда иштирок этади.

Колхоз пахтакорлари КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига она-Ватанга 5100 тонна юқори сифатли пахта сотиш мажбуриятини қабул қилишган. Айни кунларда бу ваъданинг устидан чиқиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Қўл терими кун сайин қизиб бораётир.

Районда «Йиғим-теримни ўз кучимиз билан ўтказамиз!» шнори остида меҳнат қилаётган хўжаликлар сафи кенгайиб бораётир. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида Навоий номли колхоз, Ойбек номли совхоз пахтакорлари ҳам етиштирилган пахтани ҳашарчиларсиз териб олишга сўз беришган.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ ТАВСИЯЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ

▲ ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ташаббускор Содиқ Йўлдошев бошлиқ бригадаси деҳқонлари каноп ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Суратда: бригадада каноп ўрими пайти. Колхозчи Ф. Исмонлова каноп поя ларини ёймоқда.

А. Мальцев фотоси.

КПСС XXVII съезди шарафига–27 зарбдор ўн кунлик!

ЭЛ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН ҚИЛАМИЗ

БРИГАДАМИЗ сабзавоткорлари «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» шнори остида бошланган социалистик мусобақага актив қўшилиб, меҳнат қилмоқдалар. Эришаётган натижаларимиз ҳам салмоқли бўлаётир. Жумладан бу йил эл дастурхонига 1290 тонна сабзавот ва 156 тонна картошка маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини қабул қилганмиз.

Шу кунгача давлатга 203 тонна картошка сотиб бу борадаги мажбуриятимизни ҳам ортиғи билан бажариб қўйдик. Қабул пунктларига салкам 800 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Айни кунларда бригадамиз миришкорлари янада фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бизнинг олдимизга янги вазифалар қўйилди. Ана шу асосда аниқ тадбирлар ишлаб чиқдик. Шаҳарликлар дастурхонига фақат сархил маҳсулотлар етказиб бериш учун курашяпмиз. Айни вақтда етилган помидор, бодринг ва бошқа сабзавотларни йиғиштириб олиш билан биргаликда кечки экинлар парваришни обн-тобида ўтказилмоқда. Дала ишларини ўз вақтида амалга оширишда коллективимизнинг Насиба Каримова, Қурбон Раҳматуллаева, Насиба Хамидова, Мавжуда Асророва сингари аъзолари барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Бригадамизда келгусида шаҳарликларга янада мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширишни режалаб қўйдик. Биринчи галда бир ердан икки-уч ҳосил олишнинг тўлиқ таъминлаймиз. Шу ҳисобга кўплаб қўшимча маҳсулот етиштирилади. Шунингдек, эртаги экинларни полиэтилен плёнкаси остига экишни кенгайтириб, меҳнаткашлар дастурхонини барвақт чиқарилган резаворлар билан таъминлаймиз.

А. АЗИМОВ,
Тошкент районидаги Ильич номли колхоз бригада бошлиғи.

МУКАММАЛ ДАРСЛИК

Биринчи қўнғироқнинг шодиёнаси ўзгача бўлади. Орзиқиб кутилган ана шу дақиқалар мактаб остонасига илк бор қадам қўйган жажжи ўғил-қизлар учун айниқса жуда ҳаяжонлидир.

Билимларга чанқоқ бу ўқувчиларнинг пухта илм олишлари учун нимаки лозим бўлса ҳаммаси муҳайё этилмоқда. Уларнинг ёши ва тушунчасига мос дарсликлар, кўргазмали ўқув қуроллари тайёрланди ва яна кўплари янгидан ҳозирланмоқда. Олти ёшли биринчи синф ўқувчилари ҳам арзигулик армуғонларга эга бўладилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, унинг коллегияси мактаб ислоҳоти талаблари асосида программа, дарсликлар тузиш, методик қўлланмалар яратиш борасида қатор ибратли тадбирларни амалга оширди. Бу хил адабиётларни тайёрлаш ишига тажрибали ўқитувчилар, методистлар, таниқли мутахассис олимлар жалб этилди.

Маълумки, болаларни мактабда ўқитиш бир йил аввал — 6 ёшдан бошланади. Шу муносабат билан I—IV синфлар программаси Республика ўқув методика советида кўриб чиқилди. Натижада колхоз районда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 5000 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди.

Ўқувчиларга тақдим этилган барча дарслик ва методик қўлланмалар келгуси ўқув йилигача тўла босмадан чиқади. Бундай фахрли, айни бир вақтда масъулиятли ишни амалга оширишда «Ўқитувчи» нашриёти коллективининг хизмати катта бўлаяпти, албатта.

Олти ёшлилар учун 22 номда турли адабиётлар чоп этилади. Булар орасида «Алифбе» дарслиги алоҳида ажралиб туради. Таниқли методист олима, педагогика фанлари кандидати, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти бошланғич таълим секторининг мудири Қумри Абдуллаеванинг кўп йиллик изланиши, эксперименталь кузатишлари, методик тавсиялари уни яратишда бой материаллар бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга дарслик автори программа талабларига мувофиқ болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли дидактик материаллардан кенг фойдаланди.

«Алифбе» китоби мазмунига мос учта ёзма иш дафтари ҳам тайёрланди. Ҳар бирида ҳар хил қизиқарли расмлар ҳам бор. Болалар зеҳнини ўстиришда, уларда ҳарфларни ўрганишга бўлган қизиқишни оширишда, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришда ана шу дидактик материаллар муҳим ўрин тутади.

Янги программа бўйича олти ёшли болалар билан теварак-атрофни ўрганиш дарслари ҳам ташкил этилади. Ўқувчиларнинг билим, тушунча ва амалий кўникмаларини ўстиришга хизмат қилувчи бу машғулотларни ўтиш юзасидан алоҳида дарслик, қўлланма ҳам ёзиб бўлинди. Шунингдек, биринчи синф таълими мазмунига мос ҳолда тузилган музика, жисмоний тарбия ва меҳнат, тасвирий санъат предметлари бўйича ҳозирланган методик қўлланмалар яқин орада босмадан чиқарилади.

А. АЛИЕВ,
Педагогика фанлари кандидати.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

ЯНГИ МАКТАБ

▲ **Р. МУСАМУҲАМЕДОВ номли совхоз-завод соҳибкорларининг фермандлари 1 сентябрдан янги мактабга бордилар. 3-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари 784 ўқувчига мўлжалланган уч қаватли мактаб биносини муддатидан аввал битиришга муваффақ бўлдилар. Объект қурилишини область «Бунёдкор» мукофотининг лауреати Мурод Исмоилов, Виктор Юн, Виктор Безродних бошлиқ бригадалар олиб боришди.**

САБЗАВОТЧИЛИК ИНСТИТУТ ФЕРМАСИ УЧУН

САБЗАВОТЧИЛИК, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтининг сут-товар фермасида молларни сайр этиш майдончаси қурилмоқда. Ҳусан Файзиев бош бўлган қурувчилар бригадаси азаматлари 150 бош қорамолга мўлжалланган бу объект қурилишида фидойилик кўрсатмоқдалар. Айниқса, Обид Рўзиев, Собир Давидов, Николай Запорожец каби илғорлар меҳнатда кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Бригада эса ҳар куни топшириқни 130 процент атрофида бажаряпти.

Т. ДУСОНОВ.

СОВХОЗДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

▲ **«ҚИБРАЙ» совхоз-заводида 40 хонадон коттеж типидаги янги уйларга кўчиб кирди. Хўжалик ҳисоби асосида қурилган бу уйлар барча қулайликларга эга. Сув, табиий газ, канализация билан таъминланган ҳар бир хонадон ҳовлисида ҳовуз бор, тахта супа ўрнатилган. Совхоз маъмурияти ва касаба союз ташкилоти ҳовли тўйлари ўтказаётган ишчиларга эсдалик совғалари топширяпти.**

«ЧАШМА» ИШ БОШЛАДИ

▲ **«КОММУНИСТ» колхозида илғор сут соғувчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мактуба Салимованинг ташаббуси билан «Чашма» деб номланган бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил топди. Унинг иштирокчилари асосан сут-товар фермасининг ишчиларидир. Колхоз правленияси сут-товар фермасида янги чорвадорлар уйини қуриб битказганидан сўнг ёшлар учун алоҳида хона ажратилди, ансамбль чолғу асбоблари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Қисқа давр ичида ўз репертуарига эга бўлган коллектив фермада, дала шийпонларида концерт программалари намойиш эта бошлади.**

Ш. ТАЛАЕВ.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Капитал қурилиш» павильонида «Архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш» мавзусида ташкил этилган экспозициядан ўрин олган ўймакорлик санъати намуналари, XVI асрга таллуқли икки табақали эшик, болохона учун мўлжалланган яна бир бежирим эшик, олти киррали курсиларнинг нақшлари томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда. Маданий меросниг бир неча аср давомида шу қадар яхши сақланиб қолганлиги кўпчиликни лол қолдиряпти.

Кўргазма уч бўлимдан иборат бўлиб, уларда республикадаги архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш бўйича намунали иш олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда «Меъмор» илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари фаолиятлари акс эттирилган. Ҳозирги кунда 7056 та маданий ёдгорлик давлат томонидан муҳофаза қилиняпти. 266 та ёдгорлик эса тўла таъмирланди.

Кейинги йилларда маданий меросга эътибор янада кучайди. Масалан 1975 йилда маданий ёдгорликларни таъмирлашга 3,5 миллион сўм сарфланган бўлса, 1985 йилда бу ҳаражат 8 миллион сўмдан ошиб кетди. Экспозициядаги фотосуратларда ана шу ёдгорликлардан энг муҳимлари ўз аксини топган.

Ҳозирги кунгача кўргазма экспозициялари билан минглаб томошабинлар, мутахассислар, хорижий туристлар қизиқиб танишдилар. Улар маданий меросимиз нақадар бой ва ранг-баранг эканлиги, айниқса уларни муҳофаза қилиб умрини янада узайтириш учун чинакам ғамхўрлик қилинаётганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини «Мулоҳазалар китоби»га ёзиб қолдирмоқдалар.

Қ. ЭРДОНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг матбуот маркази ходими.

ФАН-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

ҲАШАРОТ ҲОСИЛНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология илмий тадқиқот институтининг олимлари мермитидлар деб аталувчи митти ҳашаротларни ўрганди-лар. Бу ҳашаротлар деҳқонларга катта ёрдам бериши мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мермитидлар озуқабоп экинларнинг асосий душмани фитономуснинг ашаддий кушандаси экан. Одатда бу зараркунандаларга қарши химиявий воситалар ёрдамида кураш олиб борилади. Шунда ҳам кутилган натижага эришиш қийин. Ҳолбуки фитономус тарқалган пайкалларда беда ҳосили 60—65 процент камайиб кетади. Мермитид қурти эса фитономуснинг табиий кушандаси бўлиб, уни бутунлай қириб ташлашга ёрдам беради.

Институт олимлари республика бедазорларида мермитидлардан фойдаланиш борасида тавсиялар тайёрламоқдалар. Янги биологик усулни қўлланиш беда ҳосилдорлигини 20 центнер оширади.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«СИРТИ ЯЛТИРОҚ»

Газетанинг шу йил 19 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози сут-товар фермасида соғин сигирлардан сут соғиб олишнинг кескин камайиб кетганлиги танқид қилинган эди.

Мақолага Бўка район партия комитетининг биринчи секретари К. Мамедовдан жавоб олинди. Унда мақола колхоз правленияси, партия аъзолари ҳамда чорвадорлар иштирокида очиқ партия мажлисида муҳокама қилинган ва кўрсатилган камчиликлар тасдиқланганлиги айтилди.

Сут-товар фермасидаги ишларни ташкил қилишда совуққонлик қилганлиги учун колхоз бош зоотехниги Шокир Қўзиев вазифасидан четлаштирилди, колхоз правленияси раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари А. Ҳакимов огоҳлантирилди.

Ферма ишларини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўриляпти.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ЎҚУВЧИЛАР НАЗОРАТИДА

ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНМАДИ

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветерани, пенсионер Камол Икромовдан келган хатда хўжаликда ошна-оғайнигарчилик ва қариндош-уруғчилиқ йўли билан лавозимлар тақсимланяпти, юқори лавозимларни колхоз агрономи, партия комитети секретарининг яқин кишилари эгаллаб олянти, дейилган эди.

Шикоят текшириш учун Ғалаба район партия комитетига юборилди. Район партия комитети тузган махсус комиссия аъзолари бевосита Энгельс номли колхозда бўлиб, шикоятда келтирилган фактларни текширдилар.

— Текширув пайтида шикоят умуман тасдиқланмади, дейилади район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов имзоси билан олинган жавобда. Текшириш давомида шу нарса маълум бўлдики, мансабдор шахслар махсус маълумотлари бўйича колхоз правленияси томонидан ишга қабул қилинганлар. Ҳозир ишлаб турган мутахассисларнинг барчаси ихтисослари бўйича махсус маълумотлидирлар. Айни пайтда колхозда ишсиз юрган мутахассислар йўқ.

К. Икромов оиласи ва унинг қариндош-уруғлари ўртасида кўпчилик тракторчи бўлиб ишлаяпти. Умуман колхознинг 3-участкасида 40 нафарга яқин тракторчи истиқомат қилади. Уларнинг барчаси ўз касби бўйича иш билан таъминланган. Колхозчиларга бажарган ишларининг якунига кўра нормативлар асосида ҳақ тўланмоқда. Текшириш якунлари хат автори К. Икромовга маълум қилинди.

Чет эл хабарлари

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

ЗАГРЕБ. Бу ерда анъанавий кузги халқаро савдосаноат ярмаркаси очилди. 67 мамлакатнинг 3200 та фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Чет эллик қатнашчилар орасида Совет Иттифоқининг павильони энг катта ҳисобланади. Унинг кўргазма тематикаси хилма-хилдир. Стендларда совет тинчлик программаси, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқлар кўрсатилган. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган жаҳоншумул тарихий Ғалабанинг 40 йиллигига ва СССР халқи билан Югославия халқининг фашизмга қарши биргаликда кураш-даги жанговар қуролдош қардошлигига, КПССнинг навбатдаги XXVII съездига қурилаётган тайёргарлик ишларига ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашига алоҳида-алоҳида бўлимлар бағишланган.

(ТАСС, 16 сентябрь).

ҲИНДИСТОННИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Покистон билан чегарани бутунлай ёпиб қўйишга қарор қилди. Ҳиндистоннинг ҳамма чегарачи қисмлари армия қўмондонлиги ихтиёрига топширилди. Айни вақтда Ҳиндистоннинг ҳарбий денгиз кучлари кемалари мамлакатнинг чегара сувларидаги жанговар соқчиликни кучайтирдилар.

Бу ерда расмий равишда эълон қилинишича, Панжоб штатида 25 сентябрга тайинланган сайлов муносабати билан Панжоб штатини Ҳиндистондан ажратиб олиб, «мустақил Холистон давлати»ни тузишни талаб қилаётган турли сепаратчи гуруҳлардан Покистонда тайёрланган экстремистлар мамлакат территориясига тез-тез суқулиб кира бошлаганликлари сабабли шу чоралар кўрилди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Покистонда жойлашган кўпдан-кўп кўпорувчилик марказларида Покистоннинг ҳарбий инструкторлари раҳбарлигида кенг миқёсда террорчилар, кўпорувчилар ва жосуслар тайёрланиб, сўнгра кўпорувчилик ҳаракатлари қилиш учун Ҳиндистонга юбориб турилибди. «Ҳинду» газетасининг уқтириб ёзишича, уларнинг олдида Панжобдаги сайловни барбод қилиш ва шу тариқа чегарадаги мана шу штатда вазият нормаллаштирилишига ҳалақит бериш вазифаси қўйилган.

СИЁСИЙ ТУРМУШДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

ФЕРРАРА. Италия шимолидаги шу шаҳарда Италия Компартиясининг газетаси «Унита»нинг миллий фестивали тугади. Фестивалда мамлакатнинг турли районларидан келган икки миллиондан кўпроқ меҳнаткаш қатнашди.

Фестиваль чоғида дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари билан кўпдан-кўп учрашувлар бўлиб ўтди. Италиянинг энг муҳим ички проблемалари, тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, ядро уруши чиқиши хавфига қарши кураш масалалари юзасидан 100 тадан кўпроқ мунозара ва баҳс ўтказилди. Таниқли артистларнинг концертлари, ярмаркалар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган виставкалар, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлигини, Латин Америкаси халқларининг озодлик ва мустақиллик учун, империализм кирдикорларига қарши курашини тасвирловчи кўргазмалар байрам меҳмонларига жуда манзур бўлди. Совет Иттифоқи, ГДР, Венгрия, Куба, бошқа социалистик мамлакатларнинг павильонлари ва стендларини айниқса кўп киши томоша қилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕЛГРАД. Аргентина Мальвин (Фолькленд) оролларини устидан суверенитетга аришиш ҳуқуқидан воз кечмайди ва халқаро анжуманларда шу ҳуқуқни қаттиқ туриб ҳимоя қилаверади, деди Аргентина президенти Рауль Альфонсин шу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида. У ЮСФР президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Югославияга келган эди.

Аргентина, деди унинг президенти, бу муаммони тинч ҳал этиш тарафдоридир. Аммо Англия томони муаммони музокаралар орқали ҳал этишдан қайсарлик билан бўйин товламоқда.

КЕСКИН НОРОЗИЛИК

ТОКИО. Японияннинг Сасебо шаҳри портида урушга қарши оммавий митинг бўлиб ўтди. Американинг «Пинтадо» атом сув ости кемаси бугун шу порт причаллари ёнига келиб тўхтаган эди. Киода Цусин агентлигининг хабар қилишича, ҳозирги вақтда ядровий калталакли «Томагавк» қанотли ракеталари билан таъминланаётган шу классдаги сув ости кемалари АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг базаси жойлашган Сасебо портига илгари кирмас эди. Митинг қатнашчилари пентагоннинг Сасебо портини Йокосука порти билан бир қаторда АҚШ 7-флоти кемаларининг таянч пунктига айлантириш режаларига қарши кескин норозилик билдирдилар ҳамда демократик жамоатчиликка мурожаат этиб, Япония территориясида Американинг биринчи зарба урадиган ядровий ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймасликка чақирдилар.

(ТАСС).

▲ **БАЙРУТ. Ливанда яна бир қонли жиноят рўй берди. Мамлакат пойтахти шарқий секторининг энг серқатнов кўчаларидан бирида кучли динамит жойлаштирилган автомобиль портлатилди. Бунинг натижасида тинч аҳоли қурбон бўлди, бир неча бино яксон қилинди, ёнғинлар бошланди. Суратда: портлаш рўй берган жойда қутқариш ишлари олиб борилмоқда.**

Рейтер—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ГАВАНА. Бу ерда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси ёшлари ҳамда студентларининг регион мамлакатлари ташқи қарздорлиги проблемасига бағишланган учрашуви тугади. 32 давлатнинг вакиллари Ғарб давлатларининг камситувчилик муносабатлари оқибатида региондаги кескин иқтисодий кризис масалаларини муҳокама қилдилар.

Учрашув қатнашчилари қитъа мамлакатларининг 360 миллиард долларга етиб борган ташқи қарзини тўлашдан бош тортишларини ёқлаб чиқдилар, бу қарзнинг ноодилона характерини таъкидладилар.

● ПРАГА. Чехословакия Социалистик Республикасининг миллий фронти мамлакатдаги барча сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини бирлаштиради. Миллий фронт Марказий Комитети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрамига тайёргарлик ва Чехословакия—Совет дўстлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу ойлик доирасида 12 ноябрдан 22 ноябргача ЧССРда Совет Иттифоқи маданияти кунлари ўтказилади. Бу кунларда Совет Иттифоқининг ижодий коллективлари, шу жумладан СССР Давлат академик Большой театрининг балет труппаси қатнашади.

● ВЕНА. Австрия социалистик партиясининг фахрий раиси, собиқ канцлер Бруно Крайский Яқин Шарқда тинчликни таъминлаш манфаатлари йўлида амалий тадбирлар кўриш зарур эканлигини таъкидлади. Ў бу ерда эълон қилинган баёнотида халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёқлаб чиқди. Бу конференция ана шу региондаги можароларни тинч бартараф қилишга ёрдам бериши керак. Б. Крайский «Бу конференцияда Совет Иттифоқи албатта иштирок этиши зарур» деб уқтирди. Айни вақтда Крайский Қўшма Штатлар Яқин Шарқ давлатларига нисбатан шу вақттача ўтказиб келган «ўз сиёсатини ўзгартириши керак» деб таъкидлади.

● ПАРИЖ. Бугун ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ана шу халқаро ташкилот ижроия кенгашининг 122-сессияси иш бошлади. Сессия кун тартибида ЮНЕСКО Бош конференциясининг Софияда ўтказиладиган XXIII сессиясига тайёргарлик масалалари асосий ўрин олади.

(ТАСС).

ТОШКЕНТДА ОБЛАСТЬ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИ КУНЛАРИ

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўтган шанбада Тошкентда Янгийўл ва Янгиобод шаҳарлари куни бўлиб ўтди. Бу шаҳарларнинг меҳнаткашларн В. И. Ленин Марказий музейининг филиали, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг экспозициялари билан таништилар. Шу билан Тошкентда областимиз шаҳар ва районларининг кунлари ниҳоясига етди.

Бу кунлар область партия-хўжалик активининг маданият ва спорт масалаларига бағишланган йиғилиши қарорига мувофиқ 11 августдан 14 сентябргача ўтказилди. Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими томонидан тузилган план ва график асосида қишлоқ ва шаҳарлар меҳнаткашлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, социалистик мусобақа ғолиблари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ёшлар вакиллари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар.

Область шаҳар ва районлари кунларининг қатнашчилари пойтахт театрларида спектакллар томоша қилдилар. Республикамиз санъат усталари улар учун концертлар қўйиб беришди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари шунингдек, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари, китоб ярмаркаларида ҳам бўлишди.

Пойтахтдаги Тельман номли ва Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғларида бу кунлар қатнашчилари учун «Ўроқ ва Болға иттифоқи» деб номланган махсус концерт программалари тайёрланди. Ушбу концертларда область шаҳар ва қишлоқлари бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам иштирок этдилар. Тошкентда бўлиб ўтган область шаҳар ва районлари кунларида 4 минг нафардан кўпроқ киши иштирок этди.

Тошкентда областимиз шаҳар ва районлари кунларини ўтказишни анъанага айлантиришни мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу мақсадда ҳар йил апрелдан сентябрь ойигача республика пойтахтида область шаҳар ва районлари кунлари бўлиб ўтади.

ТАНИШИНГ: «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

«ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» Бутуниттифоқ санъат фестивали давом этмоқда. Иттифоқимизнинг таниқли профессионал коллективлари ва ижрочилари республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. Суратларда: (ўнгдан чапга) Грузия ССР Давлат филармониясининг «Синтез» эстрада группаси ва «Росконцерт»нинг Д. Покровский раҳбарлигидаги халқ музикаси ансамбли санъаткорлари қўшиқ ижро этишмоқда.

Е. Ботиров ва М. Исломов фотолари.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ НОМИ БОР

СССР Фанлар академиясининг А. Иоффе номидаги Ленинград физика-техника институти иттифоқимиздаги йирик тадқиқот марказларидан саналади. Илмий даргоҳ лабораторияларида республикамиздан борган истеъдодли ёш олимлар ҳам самарали ишлар қилишмоқда.

Институт аспирантурасида таҳсил кўрган кўплаб ёш тадқиқотчилар кандидатлик диссертацияси муваффақиятли ёқладилар. Кейинги йилларда илмий муассасада ўз билим ва тажрибасини бойитган ўзбекистонлик 20 га яқин мутахассис республикамизга қайтиб келди.

Тошкент электротехника алоқа институтини тугатган инженер Ф. Тимофеев ҳам тинимсиз изланишда. Бу тадқиқотчи институтнинг бир группа олимлари томонидан амалга оширилган ярим ўтказгичлар бўйича йирик илмий ишни бажаришда актив қатнашди. Ана шу тадқиқот 1985 йилги Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Авторлар орасида Ф. Тимофеевнинг ҳам номи бор.

А. АКБАРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ШАНБА ВА ЯКШАНБА— СТАДИОНГА!

Олмаликда физкультура ва спорт тобора оммалашиб бормоқда. Ҳар ҳафтада турар-жойларда, маҳаллаларда, кварталларда ўтказилаётган «Қувноқ стартлар», «Отам-онам ва мен — спортчи оила», «Бутун бригада билан стадионга» мусобақаларининг кенг тус олаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари ҳам шаҳарда спортнинг бир нечта турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Айниқса, югуриш ихлосмандларининг Бутуниттифоқ ҳафталиги муносабати билан ўтказилган «Югурувчилар куни» катта спорт байрамига айланиб кетди. 1,5 мингдан ошиқ киши иштирок этган бу мусобақалар физкультурачиларнинг паради билан бошланди. Югуриш ихлосмандлари клуби қатнашчилари параддан сўнг шаҳар кўчаларн ва стадионлари бўйлаб ўтган 15 километрлик масофада куч синашдилар. Белгиланган дастлабки босқичида А. Шанский, В. Танаев, А. Чаншаровлар маррага биринчилар қаторида етиб келишди. Турли масофаларга бўлган кейинги кросс мусобақаларида эса Сергей Семёнов, Татьяна Кудрина, Гули Хўжаевалар ғолиб чиқишди.

Кечқурун спорт мухлислари билан гавжум бўлган шаҳар марказий стадионида футбол бўйича область биринчилигининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Турнир жадвалини бошқариб бораётган Ғалаба районининг «Галабинец» командаси вакиллари «Металлург» футболчиларининг меҳмони бўлишди. Майдон эгалари одатдагидек бу ўйинга ҳам сменадан сўнг келдилар. Улар иш коржомаларини стадионнинг ўзида спорт формасига алмаштирдилар.

Майдон эгалари учрашув бошидан ташаббусни қўлга олиб, рақиб дарвозасига иккита тўп киритишди. Меҳмонлар бунга атиги битта жавоб тўпи қайтаришди. Бу учрашувдан сўнг «Металлург» 16 ўйинда 23 очко тўплаб, иккинчи ўринда бормоқда.

Дам олиш кунлари ўтказилган спорт мусобақалари ҳақиқий байрам тусини олди. Афсуски, КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамма ерда ҳам шундай муносабатда бўлинмаяпти. Жумладан, областимизнинг Ангрен, Янгийўл шаҳарлари ва бир қатор районларида ҳалигача дам олиш кунларида ана шундай қизиқарли спорт байрамлари ташкил этилмаяпти.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Суратларда: мусобақалар пайтида.

А. Зуфаров фотолари.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Оққўрғондаги марказий стадионда футбол бўйича район биринчилиги учун финал учрашув бўлиб ўтди. Унда Вотинцев номли колхоз ва 46-автокорхона командалари куч синашдилар.

Қизиқарли ўтган ўйинда 46-автокорхона футболчиларининг устунлиги сезилиб турибди. Улар учрашувда 3:1 ҳисобида ғолиб чиқиб, район чемпиони бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Вотинцев номли колхоз ҳамда С. Сегизбоев номли совхоз футболчилари эгаллашди.

Т. МИРЗААҲМЕДОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

САФАРДА ҒАЛАБА

▲ ФИЗКУЛЬТУРА коллективлари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон 42-чемпионатининг 22-тур ўйинлари командаларнинг турнир жадвалига деярли ўзгартиш киритмади.

Ангреннинг «Шахтёр» командаси Жиззахда маҳаллий «Соҳибкор» командаси билан куч синашди. Учрашув 3:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Пешқадам билан қадамба-қадам келаётган Қибрайнинг «Бинокор» командаси Самарқандда «Экспресс» футболчилари билан очколарни бўлишиб олдилар — 1:1.

ПЕШҚАДАМ ДАМ ОЛДИ

▲ ИККИНЧИ ЛИГА 7-зона командалари ўртасида футбол бўйича мамлакат чемпионатининг 28-турида турнир пешқадами Халқободнинг «Соҳибкор» командаси дам олди. Навоийнинг «Зарафшон» командаси «Наримоновчи» футболчиларн дарвозасига 3 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан битта тўп ўтказиб юборди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари ҳам Термизнинг «Сурхон» командаси билан бўлган учрашувда 3:2 ҳисобида устун келдилар.

Шундай қилиб бу икки команда очколар сонини 35 тага етказди. Турнирда эса 45 очко тўплаган «Соҳибкор» командаси ҳамон пешқадамлик қилмоқда.

ЧЕМПИОН ОЛДИНДА

▲ ШАХМАТ бўйича жаҳон чемпиони унвони учун Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ўртасидаги учрашувнинг бешинчи партияси 41-юришда кечиктирилган эди. Даъвогар Гарри Каспаров ўйинни давом эттирмай мағлуб бўлганлигини тан олди. Шундай қилиб учрашувда Анатолий Карпов 3:2 ҳисобида олдинга ўтиб олди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

СЕНТЯБРЬ ОЙИДА КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН» МАВЗУИДА

ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ «АНГРЕН» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Менга сўз беринг.
21—22 сентябрда — Нон таъми.
24—26 сентябрда — Уйғониш.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ «КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Қамоқхонадан қочиш.
24—26 сентябрда — Пароль — «РЕГИНА» меҳмонхонаси.

НАРИМОНОВ ШАҲРИДАГИ ЎзССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
17—20 сентябрда — Қуёш остидаги чанг.
21—22 сентябрда — Замин сенинг фарзандинг.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАГИ «ВОСХОД» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Замин сенинг фарзандинг.

ЯНГИОБОД ШАҲРИДАГИ «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Коммунист.
21—22 сентябрда — Ўлим қадрини ўликлардан сўра.
24—26 сентябрда — Бўйсунмас.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Хизмат вазифасини ўтаётганда ўлдирилди.
21—22 сентябрда — Ўтган кун фактлари.
24—26 сентябрда — Пароль «Регина» меҳмонхонаси.

ОҚҚЎРҒОН ШАҲРИДАГИ «ЁШЛИК» КИНОТЕАТРИДА
21—22 сентябрда — Ўлим қадрини ўликлардан сўра.
21—22 сентябрда — Февраль шамоли.
24—26 сентябрда — Жаҳаннамдан репортаж.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ҒАЗАЛКЕНТ» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Уч минутли учиш.
21—22 сентябрда — Ёпиқ овоз бериш.
24—26 сентябрда — Хотира боғи.

ҚИБРАЙ ШАҲРИДАГИ «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Менга сўз беринг.
21—22 сентябрда — Қамоқхонадан қочиш.
23—24 сентябрда — Жонтойнинг қасами.

ЧИНОЗ ШАҲРИДАГИ «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Икки томонлама алоқа.
21—22 сентябрда — Исёнкор застава.
24—26 сентябрда — Пароль «Регина» меҳмонхонаси.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА
17—20 сентябрда — Ранс ўғли.
21—22 сентябрда — Туғилиш.
24—26 сентябрда — Мана, ўша йигит қайтди.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ 1985—86 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;

— очиқ ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

ҚИШ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАНМАГАН ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИ ҚЎШИМЧА ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ШАҲАР СУВ ТАРМОҒИДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

БИР ИЎЛА СУВ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ЛОЗИМЛИГИНИ ЭСЛАТАМИЗ.

ҲОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ ҚИШДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ:



Ҳовли водопровод тиқ қувурларини қиш мавсумига иситаётганда трубанинг ташқи сатҳи—тиқ қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситгич материалининг қалинлиги камида 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тиқ қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тиқ қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган ораликка қипиқ тўлдирилади.

Қўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб, сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагига тўнука ёки шифер бўлагини ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаб билан ўрнатиш лозим. Ғилофнинг усти очиб-ёпиладиган қоқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун тўнуқ қолдирилади.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАЁТИДАН

«ГОРНЯК» ИЗЛАНИШДА

Ангрен шаҳридаги «Горняк» клуби бадиий ҳаваскорлари тез-тез шахтёрлар ҳузурида бўлиб, уларни ранг-баранг куй ва қўшиқлар билан хушнуд этиб келмоқдалар.

Ансамбль репертуари янги, замонавий қўшиқлар ҳисобига бойиб бормоқда. Унинг турли касбларда ишловчи аъзолари ижро этган Ватан, дўстлик, тинчлик ҳақидаги қўшиқлари, театрлаштирилган томошалари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бадиий ҳаваскорлар орасида шахтёрлар билан биргаликда ўқитувчилар, шоферлар ва студентлар ҳам анчагина. Бу коллектив ҳар йили шаҳарда ўтказиладиган кўрик-конкурсларда муваффақият билан қатнашиб келаяпти. Бу ютуқларда ансамбль раҳбари Малик Мирзаабдуллаевнинг ҳиссаси катта. Истеъдодли хонандалардан Н. Пардаев, У. Умаров, раққосалардан Гулсаодат ва Каромат Тожибоевалар санъатга илк қадамни «Горняк» клубида қўйганлар.

Клуб бадиий ҳаваскорлари қаерда концерт қўйишмасин, олқишга сазовор бўлишмоқда.

А. ТОЛИПОВ.

«ЁЗГИ» ВАҚТНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси хабар қилади: 1985 йил 29 сентябрдан бошлаб СССРнинг бутун территориясида «ёзги» вақт бекор қилинади.

«Ёзги» вақтни бекор қилиш учун 1985 йил 29 сентябрь кечаси соат 3 да соат стрелкаси бир соат орқага суриб қўйилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Биз ҳаммамиз тинчлик тарафдоримиз». Концерт.
10.10 И. Губач. «Хом малина». Фильм-спектакль.
12.10 «Ноқулай киши». Телефильм премьераси.
12.40 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильм.
15.30 «Кетуш» фольклор коллективининг чиқиши (Ангола Халқ Республикаси).
15.50 «Стадион ҳамма учун».
16.25 «Узеир Ҳаджибеков. Ўлмас умр аккордлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Космонавтлар ерда туғиладилар». Телефильм.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.05 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.20 «Дунё воқеалари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35 В. В. Маяковский. «Жуда соз».
10.35 ва 13.10 Француз тили.
11.05 Рационализаторлик ва ихтирочилик.
11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.40 Илмий-оммабоп фильм.
13.50 «Мен флотни ёзаман». Л. Соболев ижоди ҳақида.
14.45 Тасвирий санъат.
15.15 Д. И. Фонвизин. «Думбулбойвачча».
16.00—18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳаракат ҳалфсизлиги учун».
19.15 Парашют кўп кураши бўйича СССР чемпионати.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм.
23.20 Илмий-оммабоп фильм.

ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар». ЎзССР Давлат телерадиоси чолғу ансамблининг солисти Т. Ражабов.
8.00 «Пионер телетайпи».
8.10 «Тоғларда кузи». Телефильм.
8.20 «Илғор тажриба — ҳаммага».
8.30 «Ахборот».
8.50 «Шарқ фантазияси». Ҳужжатли фильм (Ўзбектелефильм).
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Звезда» (Жиззах). «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Хирмонингизга барака».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Тошкентнинг олтин кузи». IV Бутуниттифоқ санъат фестивали. Кўрсатувлар тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

9.00—16.05 МТ II.
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Болалар учун фильм.
18.10 «Диққат—темир йўл» (рус.).
18.30 Ҳужжатли фильм.
18.40 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Дўстлик тароналари».
20.55 Телефильмлар.
21.30 МТ II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IX да Келинлар қўзғолони, 18/IX да Юлдузли тунлар, 19/IX да Зебуннисо.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тунги навбатчи —334808, 325353.

Р. 06018. А. 1786. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12